Shu aziz VATAN — barchamizniki!

O'ZBEKISTON OVOZI

● 2013-yil, 26-yanvar. Shanba ● 11 (31.601) Ijtimoiy-siyosiy gazeta ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Азиз опа-сингиллар, муҳтарама аёллар!

Авваламбор, сизларга – Ўзбекистон хотин-қизлари республика конференциясининг барча иштирокчиларига, сизларнинг тимсолингизда бутун мамлакатимиз аёлларига ўзимнинг чуқур ҳурматимни билдириб, анжуман ишига катта муваффақиятлар тилайман.

Бундан йигирма бир йил олдин ташкил топган Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ўзининг жойлардаги бўлимлари ва тузилмалари билан бирга ўтган қисқа давр мобайнида, айтиш мумкинки, ўта муҳим ва масъулиятли, улкан вазифаларни амалга оширишда кўпгина ютуқ ва марраларга эришди. Бу ташкилотнинг мамлакатимиз аёлларининг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларнинг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва нуфузини ошириш борасидаги кўп қиррали фаолияти, жаҳон хотин-қизлар ҳаракатининг эътибор марказида турган долзарб масалаларни ҳал қилишга қўшган ҳиссаси, айниқса, охирги йилларда унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини кучайтиришга олиб келди.

Мамлакатимиз олдида турган устувор вазифаларни амалга оширишда — бу жамиятни демократик янгилаш бўладими, иқтисодиётимизни ислоҳ қилиш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш бўладими, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият соҳаларини ривожлантириш бўладими – буларнинг барчасини мужассам қилиб айтганда, Ўзбекистонимиз эришган ва дунё ҳамжамияти тан олаётган марраларни эгаллаш йўлида бутун халқимиз қатори аёлларимизнинг ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган ҳиссаси борлигини бугун яна бир бор чуқур миннатдорлик билан эътироф этишни зарур деб биламан. Ҳақиқатан ҳам, улар ўзларининг меҳнатсеварлиги, оқилалик ва шукронолик фазилатлари, сабр-бардоши, эртанги кунга ишонч туйғуси билан барча қийинчилик ва машаққатларни енгиб, бошқаларга ўрнак бўлиб келаётганини кўплаб ҳаётий мисолларда яққол кўриш мумкин.

Шу борада ўзимизга мос қадрият ва қарашларимизни ифода этадиган муҳим бир масалага эътиборимизни қаратишни ўринли, деб ҳисоблайман.

Ҳар қайси оилада гўзаллик ва нафосат, меҳр-муҳаббат тимсоли, хонадонларимиз осойишталигининг посбони бўлмиш, бир сўз билан айтганда, оилани оилага, жамиятимизни жамиятга айлантирадиган аёл зотига қанча тасаннолар айтсак, қанча таъзим этсак – барибир барчамиз ўзимизни улар олдида доимо қарздор, деб ҳис қиламиз.

Фақатгина аёл зотига мансуб бўлган мана шундай ноёб, бетакрор хусусият ва фазилатларни таърифлаш ва улуғлаш, уларнинг кундалик турмушимиздаги аҳамияти ва таъсирини кучайтириш, оилаларимизни янада мустаҳкам қилиш, шу аснода ҳаётимизни ҳар томонлама обод, гўзал ва мазмунли этиш – бундай долзарб вазифалар бугунги кунда Хотин-қизлар қўмитаси иш фаолиятида эътибордан четда қолмаслигини истардим.

Такрор-такрор айтишга тўғри келади: ҳозирги вақтда оилани, хусусан, ёш оилаларни мустаҳкамлаш, оғирини енгил қилиш, улар дуч келадиган турли муаммоларни ечиш, зарур кўмак ва ёрдам бериш ҳам ана шу масалаларнинг узвий бир қисми эканини яхши англаб олишимиз лозим.

Ҳеч кимга сир эмас, ҳар бир ота-онанинг эзгу орзуси бўлган соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш сингари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган вазифаларни амалга оширишда хотин-қизлар ташкилотлари ва унинг жойлардаги бўлинмалари фаолиятининг самарасини янада кучайтиришни бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Муҳтарама опа-сингилларимизнинг ўз билим ва профессионал малакасини, салоҳияти ва истеъдодини рўёбга чиқаришлари учун, аёлларимиз, ёш қизларимизни, айниқса, қишлоқ жойларда иш билан таъминлаш, касаначилик, оилавий бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш учун янги имкониятлар туғдириб бериш бугунги кунининг энг долзарб вазифалари қаторига киради.

Ҳозирги вақтда дунёда ва минтақамизда вазият тобора кескинлашиб, ўзаро қарама-қаршилик ва зиддиятлар кучайиб бораётган бир шароитда оилаларда, маҳаллаларда фаол иш олиб бориш, ёш авлодимизни турли зарарли оқим ва таъсирлардан сақлаш, азал-азалдан халқимизга мансуб бўлган инсоний фазилатларни асраш қандай муҳим аҳамият касб этаётганини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз. Шу борада болаларимизни, айниқса, қиз болаларни соғлом руҳда тарбиялаш, уларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни, ҳаётда ўз муносиб ўрнини эгаллашига кўмаклашиш, урф-одат ва маросимларни давр талаблари билан уйғунлаштириш Хотин-қизлар қўмитаси, унинг жойлардаги вакиллари ва фаоллари, диний-маърифий ишлар бўйича маслаҳатчилар олдида турган энг муҳим вазифадир.

Бугунги анжуманда сизлар айни шу йўналишда олиб бораётган ишларингизга танқидий баҳо бериб, хотин-қизлар ташкилотлари фаолиятини янги, юқори босқичга кўтаришга қаратилган амалий қарорлар қабул қиласиз, деб ишонаман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, куч-ғайрат, ишларингизда янги муваффақиятлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

БУЮК БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИЛАРИ

Тошкентда 25 январь куни Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Ушбу анжуман қўмитанинг ўтган давр мобайнидаги фаолияти ва Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган устувор вазифалар, шунингдек, 2013 йилнинг мамлакатимизда Обод турмуш йили деб эълон қилиниши муносабати билан бажариладиган ишлар таҳлилига бағишланди.

Конференцияда туман, шаҳар ва вилоят хотин-қизлар қўмиталарининг конференцияларидан сайланган делегатлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирликлар, идоралар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди.

Конференция делегатлари Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйдилар. Улар, шунингдек, Ватанимиз пойтахтида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, янги маҳобатли бинолар ва спорт мажмуалари қурилиши билан танишдилар.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларининг республика конференцияси иштирокчиларига табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

(Давоми 2-бетда.)

ЎзХДП Жамоатчилик қабулхоналарида

МУРОЖААТЛАРНИ ЎРГАНИШ ВА УЛАРГА ЕЧИМ ТОПИШ

эътибор ҳамда масъулият талаб этади

ЎзХДП маҳаллий Кенгашлари қошида фаолият юритаётган Жамоатчилик қабулхоналари электоратни ўйлантираётган масалаларни ўрганиш ва уларнинг ечимини топишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Фуқароларнинг ҳар бир мурожаати партия фаоллари ва депутатлар томонидан пухта ўрганилиб, тегишли идора ва ташкилотлар ёрдамида ҳал этилаяпти.

ЎзХДП Андижон вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари Жамоатчилик қабулхоналари имкониятларидан самарали фойдаланишга жиддий эътибор қаратиб келмоқда. Жамоатчилик қабулхоналарига бўлган мурожаатларда кўтарилган масалаларни ҳал қилиш бўйича муайян тажриба тўпланган.

Ўтган йили вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари қошидаги Жамоатчилик қабулхоналарига 350 га яқин мурожаат тушган бўлиб, шулардан 200дан ортиғи ижобий ҳал этилди. Қолган мурожаатларда кўтарилган масалаларга ечим топиш халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига партиямиздан сайланган депутатлар назоратига олинди.

— Зиммамиздаги асосий вазифа электорат манфаатлари ҳимоясини таъминлашдир, — дейди **ЎзХДП Андижон вилоят кенгаши аҳоли бандлиги ва ижтимоий-сиёсий масалалар бўлими мудири Иноят Қосимова.** — Шу боис мурожаатларнинг ҳар бирига жиддий эътибор билан қараяпмиз. Бунда асосан депутатлик сўрови, мурожаати ҳамда ижтимоий шерикчилик имкониятларидан унумли фойдаланиш қўл келаяпти.

⇨ 2

Муносабат

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯГА ЭЪТИБОР

буюк келажак барпо этишнинг мустаҳкам кафолатидир

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида келтирилган маълумотлар, баён этилган фикр-мулоҳазалар Ўзбекистон иқтисодиёти, аҳолимиз ҳаёт даражаси жадал суръатлар билан ўсиб бораётганини яна бир бор кўрсатди.

Мамлакатимизда таълим соҳасини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш, малакали кадрлар тайёрлаш масалаларига давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор берилаётгани дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари қаторидан ўрин эгаллашимизда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Шу сабабли ҳам 2012 йилда давлат жами харажатларининг асосий қисми, яъни қарийб 59,2 фоизи ижтимоий соҳа ва аҳолининг ижтимоий ҳимоясига қаратилди. Унинг 34 фоиздан ортиғи айнан таълим соҳасини молиялаштиришга йўналтирилди. Ана шу амалий ҳаракатлар натижаси ўлароқ Франциядаги дунёнинг энг яхши бешта бизнес мактаби қаторига кирадиган «Инссад» халқаро бизнес мактабининг 2012 йилги «Инновацияларнинг глобал индекси» маърузасида таълим тизимини ривожлантириш даражаси бўйича Ўзбекистон дунёнинг 141 мамлакати орасида иккинчи ўринни банд этди.

Таълим, илм-фан соҳасидаги ислоҳотлар янада изчил давом этмоқда. Хусусан, касб-ҳунар коллежларини педагогик ва амалий иш тажрибаларига эга бўлган малакали раҳбар ҳамда ўқитувчи кадрлар билан таъминлаш, уларни аттестациядан ўтказиш тизимининг жорий этилгани таълим-тарбия самарадорлигига ўзининг катта ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

2013 йилнинг 1 январидан бошлаб мамлакатимизда олий ўқув юртлари фаолиятини баҳолашнинг рейтинг тизими ва олий ўқув юртидан кейинги таълим, докторлик илмий ишларини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш, илмий даража ҳамда илмий унвонлар бериш тизимининг янги тизими жорий этилаётгани олий ўқув юртлари ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш даражаси ҳамда сифатини янада ошириш, таълим муассасаларининг илмий салоҳият ҳамда потенциалини янада кўтаришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дастурида ҳам таълим соҳасидаги ислоҳотларни жадаллаштириш, уни замон талабларига мувофиқ тарзда ривожлантириш билан боғлиқ масалаларга, хусусан, ёшларнинг юксак маънавиятга эга бўлиши, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши, фуқаролик жамиятини ривожлантиришда фаол иштирокини таъминлашга эътибор қаратилган.

Клара ДУРУМОВА,
Урганч туманидаги ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи директорининг ўринбосари, халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси.

Хушхабар

НАФИСА МЎМИНОВА — ХАЛҚАРО ГРОССМЕЙСТЕР

22 ёшли шахматчимиз Нафиса Мўминова ўзбек қизлари ўртасида биринчи бўлиб халқаро гроссмейстер унвонига сазовор бўлди

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ҳар жиҳатдан соғлом, интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Фарғоналик Алишер ака ва Қаноатхон опа оиласида вояга етган Н.Мўминова ҳам ана шундай ёшлардан бири.

Нафиса тўрт ёшлигидан спортга меҳр қўйиб, шахмат ўйнашни қунт билан ўрганган. Тўққиз ёшидан Қўқондаги шахмат клубида тажрибали мураббий Анваржон Алиев раҳбарлигида маҳоратини оширган. 2002 йилда ўз тенгқурлари ўртасида Ўзбекистон чемпиони бўлган.

⇨ 4

БУЮК БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИЛАРИ

Конференция қатнашчилари Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларининг республика конференцияси иштирокчиларига табригини кўтаринки руҳ билан қабул қилдилар. Улар мамлакатимиз хотин-қизларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, жамиятдаги мавқеи ва ролини ошириш борасида эришилаётган барча ютуқлар давлатимиз раҳбарининг бевосита эътибори ва ғамхўрлиги самараси эканини таъкидладилар.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Боситхонова қўмитанинг ўтган даврдаги фаолияти ва унинг истиқболдаги вазифалари ҳақида маъруза қилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини қуришга, ҳаётнинг барча жабҳаларини модернизация қилиш ва янгилашга йўналтирилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Мазкур улкан бунёдкорлик ишларидан кўзланган асосий мақсад инсон манфаатларини таъминлаш, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси учун муносиб турмуш шароитини яратиш, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида одамларнинг салоҳиятини янада ривожлантириш, миллий ўзликни англаш ва жамиятдаги маънавиятни мустаҳкамлашдан иборат. Мамлакатимизнинг бу йўлда эришган барча ютуқлари Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган, бугунги кунда бутун дунёда тан олинган, ижтимоий йўналтирилган ривожланишнинг «ўзбек модели» самараларидир.

Амалга оширилаётган чуқур ислоҳотлар доирасида жамиятда хотин-қизларнинг мавқеини юксалтиришга, уларнинг интеллектуал ва маънавий ривожланиши, билим ҳамда замонавий касбларни эгаллаши, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётда фаол иштирок этиши учун барча шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, фақат ҳар томонлама билимли, оила ва жамият олдидаги юксак масъулияти ва бурчини чуқур англайдиган, ўзининг хайрли ишлари билан Ватан равнақига ҳисса қўшишга интиладиган хотин-қизларгина буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари бўла оладиган, янги ҳаётни барпо этиш бўйича олдимизда турган энг муҳим вазифаларни амалга оширишга қодир ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиши мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 1991 йил 27 декабрда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташкил қилинди. Ушбу нодавлат нотижорат ташкилотининг асосий мақсади — хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, хотин-қизларнинг социал, ижтимоий-ҳуқуқий ва меҳнат жабҳасидаги фаоллигини, ҳуқуқий ва иқтисодий билим даражасини юксалтириш бўйича хотин-қизлар ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, шунингдек, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшилаш ва эҳтиёжларини янада тўлароқ таъминлашдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1995 йил 2 март куни қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ҳудудий хотин-қизлар қўмиталарининг раислари эса жойлардаги ҳокимларнинг ўринбосарлари этиб тайинланиши белгиланган.

Жамиятимизда хотин-қизларнинг мавқеини ошириш борасидаги навбатдаги қадам 2004 йилда Ўзбекистон сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиришлар билан боғлиқ. Уларга кўра, сиёсий партиялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатликка номзодларни кўрсатишда хотин-қизлар учун 30 фоизлик квота ажратилиши кўзда тутилган. Мазкур меъёрнинг жорий этилиши натижасида ҳозирги пайтда хотин-қизлар Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг 22 фоизни ташкил этади.

Ушбу барча чора-тадбирлар хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиш масалаларини ҳал қилишга кенг жалб этишга, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтиришга, оила, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоялаш ишларини кучайтиришга, шунингдек, вазирликлар, идоралар, ҳудудий бошқарув органлари ва жамоат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

Қайси соҳада бўлмасин, хотин-қизларнинг Ватан равнақи йўлидаги фидокорона меҳнати, мамлакатимизда ёш авлодни — жисмонан соғлом, маънан етук, интеллектуал ривожланган йигит-қизларни тарбиялашга қўшаётган улкан ҳиссаси муносиб баҳоланмоқда. Улар орасида нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам машҳур инсонлар — корхоналар, ташкилотлар ва ННТ раҳбарлари, фермерлар, шифокорлар, фан, маданият, санъат, таълим соҳалари намояндалари кўп. Қатор хотин-қизлар Ватанимизнинг юксак мукофоти — Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг фаровонлигини таъминлаш учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда, қишлоқда яшайдиган аёлларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Сўнгги йилларда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида минглаб замонавий, қулай ва шинам уй-жойлар бунёд этилди. Аҳолининг даромадлари ўсиши ва кенг истеъмол кредитларининг ташкил қилиниши самарасида бугун мамлакатимиздаги ҳар бир оилада аёлларнинг уй-рўзғор юмушларини енгиллаштирувчи замонавий маиший техника мавжуд. Оилаларга, биринчи галда, ёш оилаларга ипотека кредитларини ажратиш орқали уй-жой харид қилиш ва қуришда ҳар томонлама ёрдам кўрсатилмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳаси жадал ривожланмоқда, бу ҳам аёлларнинг кундалик турмуш ташвишларини енгиллаштиришга кўмаклашмоқда. Буларнинг барчаси жамиятимизда хотин-қизларга ҳурмат ва эътиборнинг нақадар юксак эканлигидан далолатдир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони мазкур қўмита фаолиятини янада такомиллаштириш борасида янги имкониятлар очиб берди.

Ўтган давр мобайнида хотин-қизларнинг ижтимоий йўналтирилган давлат сиёсатини амалга оширишдаги иштирокини кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази билан ҳамкорликда бу соҳадаги энг муҳим халқаро ҳужжат — БМТнинг Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш бўйича конвенциясининг қоидаларини амалга ошириш бўйича иккита миллий ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Барча соҳаларда гендер тенглигини таъминлаш бўйича Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида, жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш соҳалари хизматларидан умумфойдаланиш, хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилиши ишларида иштирок этиш имкониятини кенгайтириш бўйича Ўзбекистонда қабул қилинаётган чора-тадбирлар жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак баҳоланмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси қошида Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш соҳасида жамоат ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича жамоатчилик кенгаши ташкил қилинган. Таълим муассасалари, корхоналар, ташкилотлар ва маҳаллаларда «Соғлом она — соғлом бола» дастури доирасида аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, ёшларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини тарбиялаш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш бўйича маърифий ишлар олиб борилмоқда. Адлия органлари билан ҳамкорликда ўрта махсус ўқув юртларида «Ёш оилалар мактаблари» ташкил қилинган. Мураккаб турмуш шароитига тушиб қолган хотин-қизларга психологик ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатилмоқда. Психологлар, юристлар, маҳаллалар фаоллари иштирокида оилалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш ишлари изчил олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда оилавий спорт, хотин-қизлар ва болалар спорти жадал тараққий этмоқда. Барча ҳудудларда хотин-қизлар учун 39 спорт тури бўйича 35 минг секция ташкил қилинган. Уларда бугунги кунда 3,5 миллиондан зиёд хотин-қиз шуғулланмоқда. Ҳар йили ҳудудий хотин-қизлар спорт фестиваллари ўтказилмоқда. Аёлларни, айниқса, қизларни жисмоний тарбия ва спортга оммавий жалб қилиш уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳаёт сифатини юксалтириш имконини бермоқда. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг ўртача умр кўриши 7 йилга узайиб, ҳозирги кунда 75 ёшни ташкил этаётгани бундан ёрқин далолатдир.

Хотин-қизлар бандлиги масалаларини ҳал қилишга, биринчи галда қишлоқ жойларда уларнинг меҳнат шароитларини яхшилашга, уларни тадбиркорлик фаолиятига, аввало, кичик ва оилавий бизнес соҳаларига, хизмат кўрсатиш, фермерлик ва касаначиликка жалб қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Уларга ўз бизнесини очиши учун ажратилаётган кредитлар ҳажми ортиб бормоқда. Фақат ўтган йилнинг ўзида тижорат банклари томонидан тадбиркор аёлларга 491,7 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди.

Мамлакатимиз Президентининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган фармонига мувофиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимлари жорий қилинган. Ушбу муҳим вазифаларни аҳоли ўртасида обрў қозонган, чуқур билим ва бой ҳаётий тажрибага эга аёллар бажармоқда. Уларнинг фаолият доирасига жамиятда миллий ва умуминсоний қадриятларни мустаҳкамлаш, халқимизнинг энг яхши анъаналарини, меҳр-мурувват, бағрикенглик, саховат каби фазилатларни ривожлантиришга оид масалалар киради. Айни пайтда маҳаллалар маслаҳатчилари хотин-қизлар ва ёш авлод вакиллари ўртасида турли бузғунчи кучлар томонидан уларнинг онгига таъсир ўтказишга бўлаётган уринишларга нисбатан маънавий етуклик ва қатъиятли бўлиш фазилатларини тарбиялаш бўйича изчил ишларни олиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари ҳар томонлама баркамол ёшларни, шу жумладан қизларни тарбиялаш борасида алоҳида ғамхўрлик кўрсатмоқда. Мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилган. Ушбу мукофот ўқишда, ижодда ва ижтимоий ҳаётда юксак натижаларга эришган қизларга берилади.

Конференцияда эришилган ютуқлар билан бир қаторда, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, унинг ҳудудий бўлинмалари ва тузилмалари фаолиятида йўл қўйилган камчиликлар ҳам муҳокама қилинди, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди. Таъкидландики, мамлакатимизнинг хотин-қизлар ташкилотлари улкан салоҳиятга ва фойдаланилмаётган имкониятларга эга. Хусусан, уларнинг мамлакатимизда, биринчи навбатда жойларда амалга оширилаётган ислоҳотлардаги ролини, баркамол ёш авлодни тарбиялаш, хотин-қизлар ва ёшларнинг онги ва дунёқарашини кенгайтириш, шу жумладан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ёш оилаларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, хотин-қизлар тадбиркорлигини кенг ривожлантириш бўйича ишларни янада фаоллаштириш жараёнидаги иштирокини кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Конференцияда бу вазифаларнинг барчаси мамлакатимизнинг ҳозирги замонавий ривожланиш тенденцияларига мос равишда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини янада юқори даражага кўтаришни, айни пайтда мамлакатимизнинг давлат ва жамоат ташкилотлари билан ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлашни тақозо этаётгани таъкидланди.

Муҳокамада конференция делегатлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ф.Абдураҳимова, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси хотин-қизлар қўмитасининг раиси З.Иброҳимова, вилоят ҳокимларининг ўринбосарлари, вилоят хотин-қизлар қўмиталарининг раислари — И.Каримова (Қашқадарё вилояти), М.Азизова (Наманган вилояти), С.Файзиева (Тошкент вилояти), халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгаши депутати, Фориш туманидаги «Фортекс» корхонаси раҳбари Б.Тўраева, Зулфия номидаги Давлат мукофоти лаureати, Қашқадарё вилояти Муборак тумани Иссиқликэлектрмарказининг илмий ходими Х.Холиқова, Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасининг ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларинг олдини олиш бўйича бўлим инспектори Ш.Ҳидоятова, Фарғона вилояти Учкўприк туманидан касаначи И.Рашидова ва бошқалар сўзга чиқди.

Конференция иштирокчилари муҳокама натижалари бўйича Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, шунингдек, 2013 йилнинг Обод турмуш йили деб эълон қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва оилани мустаҳкамлашда хотин-қизларнинг ролини кучайтириш, уларнинг давлат ва жамият қурилишидаги кенг иштирокини таъминлаш бўйича 2013-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурини қабул қилди. Айни пайтда давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини янада тўлароқ таъминлаш мақсадида белгиланган янги вазифалар алоҳида долзарб аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Зеро, бу вазифаларнинг амалга оширилиши ушбу жараёнларни янада чуқурлаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Конференция делегатлари, шунингдек, ушбу вазифаларнинг жойлардаги муҳокамаси ва хотин-қизлар қўмиталарининг Ўзбекистонда амалга оширилаётган чуқур демократик ислоҳотлардаги иштирокини фаоллаштиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Конференцияда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг Устави янги таҳрирда қабул қилинди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси бошқарувининг таркиби сайланди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг раиси этиб Э.Боситхонова сайланди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев сўзга чиқди.

Анна ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

ЎзХДП Жамоатчилик қабулхоналарида

МУРОЖААТЛАРНИ ЎРГАНИШ ВА УЛАРГА ЕЧИМ ТОПИШ

эътибор ҳамда масъулият талаб этади

Кўтарилган масалалар депутатлар кўмагида тегишли идора ва ташкилотлар орқали ҳал этилаётгани одамларнинг Жамоатчилик қабулхоналарига ишончини янада мустаҳкамламоқда. Чунки депутат муаммони чуқур ўрганади ва шу асосда таклиф тайёрлайди. Таклиф партия фаоллари билан бирга муҳокама қилиниб маъқуллангач, тегишли идора ва ташкилотларга юборилади. Масала ечими доимий эътиборда туради.

Таҳлиллар кўрсатишича, Жамоатчилик қабулхоналарига бўлган мурожаатларнинг 20 фоизи уй-жой-коммунал хизмат, 15 фоизи ўз ишини йўлга қўйиш, 20 фоизи ишга жойлашиш, моддий ёрдам, иш ҳақи, нафақа олиш каби маҳаллий ижро ҳокимияти, мутасадди ташкилотлар масъулиятини ошириш билан боғлиқ масалаларда бўлди. Мурожаат қилувчиларнинг 28 фоизига ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Айниқса, касб-ҳунар коллежларини битирган ёшларни эгаллаган мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйишга кўмаклашиш каби долзарб масалалар депутатлар томонидан чуқур ўрганилиб, тегишли чора-тадбирлар кўрилгани кўплаб янги иш ўринлари очилиши, ёшларнинг бандлиги таъминланишига хизмат қилди.

Аҳоли ва электорат вакиллари мурожаатларини ўрганиш ва уларни ижобий ҳал этишда, Қорасув шаҳар, Қўрғонтепа ҳамда Асака туман партия кенгашлари тажрибасини эътироф этиш керак. Уларда қабул кунлари ва соати аниқ кўрсатилган. Мурожаатларни қабул қилувчи партия фаоли, депутат ва ҳуқуқшуносларнинг белгиланган.

— Ўтган йили Жамоатчилик қабулхонасига 30 дан ортиқ мурожаат бўлди, — дейди **ЎзХДП Асака туман кенгаши раиси Мўйдинжон Дадажонов.** — Шундан 18 таси маҳаллий мутасадди ташкилотлар ёрдами билан ижобий ҳал этилди. Мурожаатлар асосан ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ масалаларни ўз ичига олган. Биз ҳар бир мурожаат, унда кўтарилган муаммо ёки таклиф бўйича алоҳида тартибда ишлаймиз. Муаммони бартараф этиш давомида фаоллар жойларга чиқиб, жамоатчилик фикрини чуқур ўрганади. Бу — фаолиятимиз самарадорлигини янада оширишга хизмат қилмоқда. Жамоатчилик қабулхоналарига тушган мурожаатларни ечишда халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари аъзолари фаол қатнашаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

— Ўтган йили иқтисодиёт коллежини тугатдим, — дейди **«Қадим» қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Нортой Эгамбердиев.** — Ўзимга маъқул иш топишда ёрдам сўраб, ЎзХДП Асака туман кенгаши қошидаги Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат қилдим. Партия фаоллари ёрдами билан ҳудудимиздаги «Қипчоқ қуёши» фермер хўжалигига ишга жойлашдим.

ЎзХДП Жамоатчилик қабулхоналарига мурожаат қилиб, ўзини ўйлантираётган масалаларга ечим топган кишилар ҳақида яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Одамлар мурожаатига эътибор билан қараш ва ёрдам кўрсатиш орқали ҳам депутатга, ҳам партияга ишонч ортаётир.

Аммо Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти Андижон вилоятининг ҳамма туман ва шаҳар партия кенгашларида яхши йўлга қўйилган, деб бўлмайди. Хусусан, вилоятнинг Хўжабод туман кенгаши Жамоатчилик қабулхонасида депутатлар ва ҳуқуқшуносларнинг доимий иштирокини таъминлашда камчиликлар кузатилаяпти. Бундай эътиборсизлик ва масъулиятсизлик партия обрўсига путур етказиши мумкин. Шунинг учун ҳар бир партия ташкилоти Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини самарали йўлга қўйиши, шу орқали электорат манфаатларига хизмат қиладиган амалий ишларни кўпайтириш зарур, албатта.

Сиёсий партияни аҳолига яқинлаштирадиган, жамиятда нуфузини оширадиган энг муҳим восита бу одамлар манфаатини ҳимоя қилиш, жамоатчилик ишончини қозонишдир. Бу борада Жамоатчилик қабулхоналари имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш ҳар бир шаҳар ва туман партия кенгашидан зиммасидаги масъулиятни теран ҳис этиб меҳнат қилишни талаб этади.

Гулруҳ ОДАШБОЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Тиббиёт

Обод турмуш йилида Бухоро вилоятининг Олот туманида янги «Тиббий-таҳлил-ташҳис» хусусий

ДИАГНОСТИКА МАРКАЗИ

ишга тушди

Уни туман тиббиёт бирлашмасида кўп йиллардан бери хизмат қилиб келаётган олий тоифали реаниматолог-анестезиолог Ориф Абдуназаров ташкил этди. Бунинг учун у «Микрокредитбанк»нинг туман бўлимидан 85 миллион сўм миқдорида кредит олди.

— Тиббиётда касалликни даволашдан олдин унинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва шунга қараб муолажа қилиш муҳим аҳамиятга эга, — дейди диагностика маркази раҳбари.

— Шунингдек, бу ерга келаётган беморларни ультратовуш, ЭКГ текширувидан ўтказиш билан бирга, қон таҳлиллари ҳам амалга оширилади.

Моҳигул НАЗАРОВА

Ахборот хавфсизлиги — миллий хавфсизлик

ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚНИНГ СИЁСИЙ «ИШЛАР»И

ёхуд интернетдаги ижтимоий тармоқларнинг муаммога айланаётгани хусусида

Президентимизнинг Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида дунё аҳолисининг хавфсизлигига таҳдид солаётган хавф-хатарлар ҳақида огоҳлантирилиб, **«Бугунги кунда дунёда кибержиноятчилик, коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда салбий информацион таъсир ўтказиш каби халқаро хавфсизликка нисбатан илгари кўрилмаган хавф-хатарларнинг авж олаётганига етарли баҳо бермасдан, уларнинг олдини олмасдан, бепарво бўлиб яшаш мутлақо мумкин эмас.»,** дея таъкидланди.

Дунёда ядровий технологиялар ва оммавий қирғин қуролларига эгалик қилиш, сиёсий ва диний радикализм, экстремизм, қурол ва одам савдоси, терроризм, оғуфурушлик, этник ҳамда миллатлараро зиддиятлар авж олаётган бир вазиятда коммуникация технологиялари орқали вужудга келаётган таҳдидларга бежиз алоҳида эътибор қаратилмаяпти.

Яқинда нидерландиялик ёш бир қиз Youtube орқали йигитларни туғилган кунига таклиф қилди. Айтилган пайт (албатта кечки) белгиланган жойда 3 мингга яқин йигит тўпланди. Туғилган кун эгасини кута-кута йиғилганларнинг тоқати-тоқ бўлди. Охири орада жанжал кўтарилди. Кимнингдир кўйлаги йиртилди, кимдир жароҳат олди.

Қиз, билибми-билмайми, ижтимоий тармоқнинг қудратли таъсир кучидан енгилтаклик йўлида фойдаланди. Афсуски, бу қудратли восита «мижоз»лари орасида ҳар хил сиёсий кучлар, ҳатто давлатлар бор. Ваҳоланки, уларнинг мақсадлари бекорчиликдан эрмак учун ёхуд оқибатини ҳис қилмасдан амалга оширилмайди. Оширилмаяпти...

«Араб баҳори» деб ном олган тўполонлар ва қон тўкишларда ижтимоий тармоқлар муҳим ўрин эгаллаганини ҳамма билади. «Баҳор»да ундан сиёсий мақсадларда фойдаланилди. У сиёсий кучлар учун одамларни йиғиб берди, кўчага олиб чикди. Сайёҳлик ўлкаси бўлмиш биргина Миср иқтисодиёти ижтимоий тармоқлар орқали амалга оширилган беқарорлик ва ғалаёнлар оқибатида 5 миллиард АҚШ долларидан кўпроқ зарар кўрган. Фуқаролар ўртасида эса бўлиниш, душманлик кайфияти пайдо бўлган ва бундай таранг ижтимоий вазият ҳамон мамлакат мувозанатини чайқалган ҳолатда ушлаб турибди. Сурияда ижтимоий тармоқлар орқали бошқарилаётган тўполонларда, хориж матбуоти манбаларида қайд этилишича, 60 минг аҳоли ҳалок бўлган, ярим миллион киши қочоқ ва дарбадар юрибди.

Бугун интернетни турли кучлар, мафкуралар, бузғунчи ва хакерлардан ҳимоялаш, бир сўз билан айтганда, хавфсиз интернет масаласи дунё бўйлаб долзарб бўлиб турибди. Яқинда ахборот манбалари Европа иттифоқи ҳудудида бир йилда кибержиноятчилар фирибгарлик йўли билан 1,5 миллиард еврога яқин маблағ топиши ҳақида хабар тарқатди. Уларнинг даромади асосан банклардан пул ўғирлаш, ижтимоий тармоқлар ва болалар порнографиясидан тўпланиши таъкидланади. Кибержиноятчилик хуружлари орқали корхоналар, ташкилотлар, компаниялар сайтлари ва маълумотлар базаларига катта шикаст етказилмоқда, уларни тиклашга миллиардлаб маблағлар сарфланаяпти.

«Uff.uz» сайти маъмурияти сайт ўтган йили киберларнинг кенг кўламдаги ҳужумларига учрагани ва бу кўплаб ноқулайликлар туғдиргани ҳақида маълум қилди. Айниқса, компьютер тармоғи орқали фуқаролар номини булғаш, ёлғон маълумотлар тарқатиш, шаън ва қадр-қимматни камситиш ҳолатлари интернетнинг, хусусан, ижтимоий тармоқларнинг муаммоли масаласи ҳисобланади.

Газеталаримиздан бири «Odnoklassniki.ru» ижтимоий сайтида бир хонанда номидан сохта 400дан кўп профил очилгани ва унинг номидан кўплаб қизларга хатлар йўллангани ҳақида ёзди. Ҳатто бир қиз билан учрашув белгиланган ва «таклиф» эгаси ўзи эмаслигини исботлагунча хонанда анча азият чеккан.

Дарҳақиқат, ушбу тармоқдан бугунги кунда асосан ёшлар танишиш, дўстлашиш, эски дўстларни қидириш ва мулоқот ўрнатиш мақсадида фойдаланади. Бир қарашда, бунинг ёмон томони йўқ. Лекин ҳамма танишмоқчи бўлганларнинг мақсади дўстлик билан изоҳланмаслиги ҳам бор гап. Ёки ҳамма ёзишмаларни одоб-ахлоқ доирасида деб бўлмайди. Ахлоқсизлик ва андишасизликка хизмат қиладиган профил ва гуруҳлар ҳам оз эмас. Айтайлик, «Фақат асал қизлар ва келинойилар учун» гуруҳини олайлик. Бу гуруҳга қўшилиш учун «асал қиз» ёки «келинойи» бўлиш керак. Унинг фотогалереясидаги суратлар илонни пўст ташлатишга мажбур қилади. Ёзишмалар одоб кўчасидан бир бор ўтмаганларга тааллуқли — ғирт беҳаёлик. Гуруҳ аъзолари сони эса кичкина шаҳарчани тўлдириши мумкин. Шунча одам енгилтаклик ва бузуқлик тарғиботига хизмат қилиши, вақтини ана шу бемаза нарсага сарфлаши ачинарли ҳол, албатта.

Фейсбук ижтимоий тармоғидан фойдаланувчи копенгагенлик Торлоу Агусдоттир хоним юзи қонга беланган моматалоқ ҳолатдаги «сурати» «муаллифи» кимлигини излаяпти. Абгор, зўрланган ҳолатни тасвирловчи ушбу сурат бир неча кун тармоқ ичида пайдо бўлгани уни ғазаблантирди ва айбдорнинг жазоланишини хоҳламоқда. Мутахассислар фикрича, унинг камситилган ҳуқуқлари тикланиши имконияти жуда кам. Биринчидан, шундай суратни яратган мазахист киберфирибгарни топиш анча мушкул. Иккинчидан, тармоқ операторида бунинг учун жавобгарлик масъулияти йўқ. Энг ёмони, ёлғон, туҳмат, қадр-қимматни камситувчи ахборот тарқатиб бўлинди. Унинг оқибат ва зарарини бартараф қилиб бўлмайди. Ундан ҳам хавотирлиси — шу каби ҳолатлар ижтимоий тармоқ орқали яна такрорланмаслигига ҳеч қандай кафолат йўқ ва бу тармоқ ичида тез-тез учраб турадиган ҳодиса ҳисобланади.

— Назаримда, одамлар бугун икки: реал ва виртуал дунёда истиқомат қилаяпти. Айримлар фақат биринчиси билан чекланган бўлса, бошқалар иккинчисида кўпроқ банд ва унга ортиқроқ ишонади, — дейди **Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети Интернет журналистика назарияси ва амалиёти кафедраси ўқитувчиси, фан номзоди Нозима Муродова.** — Тадқиқотларга қараганда, дунё аҳолиси ахборотни асосан интернетдан олмоқда. Унда эса ҳамма нарса аралаш — оқ билан қора, яхши билан ёмон. Тезкорлик ва турли кўринишларда информация тарқатиш имконияти, аудиториянинг қайта алоқага чиқиши учун мавжуд қулайликлар бизнес, тадбиркорлик, реклама, оммавий алоқалар (ПР) ҳамда ахборот хизматлари учун катта ахборот майдонини яратаётган бўлса, шу билан бирга, уни чегара ва назорат қилишнинг имкони йўқ — бузғунчи ғоялар, террористик даъватлар, порнография ва ҳоказоларни учратиш мумкин. Айтайлик, виртуал олам — интернет орқали террористик ташкилотлар ҳам ўзларига ҳудуд яратган. Фоҳишалик айнан интернет хизмати орқали амалга оширилмоқда. Одам савдосининг умумдунё миқёсида ёйилишида унинг имкониятларидан фойдаланилаяпти.

Ижтимоий тармоқлар фикр ва тажриба алмашиш, маълум бир соҳа вакиллари ўртасида мулоқот ўрнатиш каби мақсадларга хизмат қилиши лозим. Афсуски, истеъмолчи томонидан бу тармоқлар кўпроқ эрмак, кўнгилхушлик учун танланмоқда. «Odnoklassniki.ru»ни олайлик. Унга МДҲ давлатлари ўртасида энг кўп мурожаат қиладиганлар сони бўйича биз олдинги ўриндамиз. Шу боис тармоқ операторлари ўзбек тили вариантини ҳам айнан эҳтиёждан келиб чиқиб жорий қилди. Лотин Америкаси мамлакатларида миллий ижтимоий тармоқлар ривожига алоҳида эътибор қаратилгани боис, чет доменлардаги ижтимоий тармоқларнинг таъсири суст. Ушбу тажриба эътиборли, албатта. Миллий доменимизда яратилган «Fikr.uz», «Muloqot.uz», «Sinfdosh.uz», «Olam.uz» каби ижтимоий тармоқлар ишини янада ривожлантириш ва кенгайтириш миллий манфаатларимизга хизмат қилиши шубҳасиз. Чунки ахборот хавфсизлиги миллий хавфсизликнинг муҳим бир қисми, виртуал дунёни мутлақо назоратсиз қўйиш реал дунёда кўплаб бузғунчиликларни келтириб чиқаради.

Мутахассислар фикрича, фильтрларни қўллаш ва интернетдан фойдаланишни чеклаш доим ҳам кўзланган мақсадга олиб келмайди. Бу борада эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳат, аввало, одамларнинг информацион маданиятини ошириш, медиатаълим йўналишида иш олиб боришдир. Чунки ахборот уммонида асосий объект инсон онги ҳисобланади. Шу сабаб, аҳолини ахборот олиш ва тарқатиш маданиятига ўргатиш, информацион ҳудудда ўзини тутиш қонун ва қоидаларини кўрсатиш керак. Ана шуларни инобатга олган ҳолда ахборот оқимларини маърифий ва таълимий йўналишда ишлатиш ахборот хавфсизлигини таъминлашда ҳамда бу борада кучли иммунитетни ҳосил қилишда фойдали натижа бериши мумкин.

Дарҳақиқат, болалар ва ўсмирлар учун миллий интернет ўйинларини яратиш, «Ziyonet»га ўхшаш маърифий тармоқлар сонини кўпайтириш ва имкониятларини кенгайтириш лозим бўлади. Бундан ташқари, дунё тажрибаси аҳолини, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни оммавий ахборот ва коммуникация тизимларининг глобаллашуви жараёнида ахборот хуружлари ва таҳдидларидан ҳимоялашда нафақат маърифий ва ахборий, шу билан бирга, ҳуқуқий ҳамда технологик ресурс ва механизмларни сафарбар қилишни, шунингдек, такомиллаштиришни талаб этади. Ривожланган давлатлар тажрибасида тажовузкор ҳамда одоб доирасидан ташқаридаги сайтлар, блоглар ва порталларга миллий ҳудудда техник жиҳатдан блок қўйиш ёки чекловчи калит сўзлар рўйхатини яратиш, фильтрлаш амалиёти мавжуд.

— Шахс, жамият ва давлатнинг манфаатларини кўзлаб, ахборот соҳасини ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимоялашда, албатта, ахборот хавфсизлигининг ҳуқуқий таъминланганлиги муҳим аҳамият касб этади, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси Дилбар Холиқова.** — Шунинг учун қатор хорижий давлатлар қонунчилигида интернет тармоқларидаги ахборот, коммуникация ва ахборот хизматлари зарарли мазмунининг маълум бир белгилари бўйича чекловлар мавжуд. Масалан, кўпчилик Осиё давлатларида интернет порнографияси қаттиқ назоратга олинади ва тақиқ қилинади. Францияда идентификация қилинмаган фуқароларга хостингдан фойдаланишга йўл қўйган интернет провайдерлари учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Қонунга биноан маҳаллий серверлар орқали ахборот тарқатаётган сайтдаги барча муаллифлар ўзи ҳақидаги ҳамма маълумотларни беришга мажбур. Агар ушбу маълумотлар ёлғон бўлса, уни узатган муаллифига 6 ойгача қамоқ жазоси берилади. Австралия қонунчилиги ҳам провайдерларга алоҳида мажбуриятлар юклайди. Айрим давлатларда болаларнинг соғлиги ва ривожланишига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш ва интернет тармоғидаги қонунга хилоф ахборотдан чегаралашни белгиловчи қонун қабул қилинган.

Ахборот мазмунига оид шикоятлар тизими ишлашини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, шартли воситалар орқали, яъни кодлар, шифр ва парол ёрдамида ахборотдан фойдаланиш бўйича ижобий хорижий тажрибалардан фойдаланиш лозим, деб ўйлайман.

Компьютер ва ахборотлаштириш соҳасидаги қонунбузарлик ҳолатларига барҳам бериш мақсадида қонунларимиз такомиллашиб бормоқда. Жумладан, 2007 йилда қабул қилинган «Ахборотлаштириш ва маълумотлар узатиш соҳасида қонунга хилоф ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ ушбу соҳага доир жавобгарлик кенгайтирилди ва кучайтирилди. Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 155-моддаси («Ахборотдан фойдаланиш қоидаларини бузиш») 155-1-модда билан тўлдирилди («Компьютер тизимидан фойдаланиш қоидаларини бузиш»). Жиноят кодексига эса «Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноят» деган алоҳида боб киритилди. Ундаги 6 та модда ахборотлаштириш қоидаларини бузиш, компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда рухсатсиз фойдаланиш, ундан рухсатсиз фойдаланиш учун махсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш, ўтказиш ва тарқатиш, модификациялаштириш, компьютер саботажи, зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш каби хатти-ҳаракатларга жиноий жавобгарликни белгилайди. Ваҳоланки, илгари бу борада битта — 174-модда («ахборотлаштириш қоидаларини бузиш») мавжуд эди холос ва компьютер соҳасидаги муносабатларни етарлича қамраб ололмасди.

Афсуски, дунёда киберфирибгарлик, ахлоқсизлик ва жиноятнинг турлари ва усуллари тобора кўпайиб бормоқда. Уларга нисбатан қонунчиликни янада такомиллаштириш, аҳолининг холис ахборот ва хавфсиз интернетга бўлган ҳуқуқларини етарли ҳимоя қилиш бугунги кун талаби ҳисобланади.

Ахборот хавфсизлиги — тизимли жараён. Дунёда содир бўлаётган ҳозирги воқеа-ҳодисалардан келиб чиқиб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда сиёсий партиялар веб-сайтларини янада ривожлантириш, унда, айниқса, мулоқот, алоқа ва савол-жавоб хизматларини кучайтириш талаб этилади.

Айниқса, ахборот тарқатишга мўлжалланган сайтлар ишини такомиллаштириш зарур бўлади. Ғоявий, маънавий-маърифий, илмий, бадиий, спорт, ҳарбий-ватанпарварлик, миллий ўйинлар ва бошқа йўналишларда миллий ахборот ресурсларини ривожлантириш — бугунги кун талаби. Фуқароларнинг ахборот чанқоқлиги қондирилмаса, у бошқа манба қидиради, уни бошқалар қондиради. Дарҳақиқат, ахборот хавфсизлиги — барқарорликнинг шарти, хавфсизлик кафолати ҳамда тинчликнинг гарови ҳисобланади.

Акбар ЖОНУЗОҚОВ

Хориж

ҚОРБЎРОН ЎЙНАГАНЛАР

жаримага тортилади

Фландрия маъмурияти (Бельгия) болалар ва ўсмирлар, умуман, катта ва кичик ёшдагиларнинг қорбўрон ўйнашини таъқиқловчи меъёрий тартибни жорий этди.

Ушбу таъқиқлов ижросини назорат қилиш полиция зиммасига юкланди. Кимки бу қоидани бузса, 100 евро миқдорида жарима жазосига тортилади.

Экспертларнинг айтишларича, дейилади «Euromag» нашри ахборотида, қорбўрон хавфли ўйин турларидан ҳисобланади. Думалоқланган қор зарби тош кучига тенгдир.

ПЕНСИОНЕР ВАФОТ ЭТГАН

лекин пенсия тўланаверган

Европа Иттифоқи Грецияга молиявий кўмак ажратиш чораларини кўраётган бир пайтда мамлакатда «шарпа-пенсионер»лар мавжудлиги мамлакат маъмуриятини ташвишга солмоқда.

Германиянинг «Der Spiegel» нашри хабарига кўра, 2012 йил бошларида Греция ижтимоий ҳаётида ғалати ҳолат фош этилган ва расмий чоралар кўрилган эди. Яъни бундан бир неча йиллар аввал вафот этган пенсионерлар пенсияси уларнинг қариндошларига бериб келинган.

Марҳум пенсионер учун пенсия олиш ҳолати 63,5 мингтани ташкил этган. Ва дарҳол жарималар қўлланиб, чоралар кўрилган. Аммо натижа...

Йил охирида яна текширувлар ўтказилган эди, 50 мингта яна шундай ҳолат аниқланди.

Греция ҳукумати жорий йилнинг биринчи мартидан назоратнинг янги тизимини амалга жорий этишга қарор қилди: эндиликда ФХДЁ органлари билан пенсия жамғармалари қатъий ҳамкорликда иш олиб боради.

Яна бир қизиқ факт: бундан 2 йил муқаддам Японияда ҳам худди шундай ҳолат аниқланиб, оммавий ахборот воситаларида шов-шув қилинган эди. Нагасаки музофотидаги бир фуқаронинг салкам 200 йилдан бери «тирик»лиги, яъни унга пенсия берилаётгани айрим идора вакилларини қизиқтириб қўйган. Улар текширув ўтказган. Маълум бўлишича, унинг вафоти ҳеч қаерда қайд қилинмагани қариндошларининг пенсияни қабул қилиб олишларига сабаб бўлган.

Реклама

Вниманию руководителей строительных организаций и предприятий!

ГИДРОГЕОЛОГО-МЕЛИОРАТИВНАЯ ЭКСПЕДИЦИЯ ПРИ АМУ-КАШКАДАРЬИНСКОМ БАССЕЙНЕ УПРАВЛЕНИЯ ИРРИГАЦИОННЫХ СИСТЕМ

ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЕ ТОРГИ НА:

Лот №1-1. **Ремонтно-восстановительные работы системы межхозяйственного коллектора «Хилол» Каршинского района Кашкадарьинской области.**
Стартовая стоимость заказчика составляет 299.574.591 сумов.
Срок окончания работ, установленный заказчиком, — 6 месяцев.

Лот №1-2. **Ремонтно-восстановительные работы системы межхозяйственного коллектора «Батош-Халкабод» Гузарского района Кашкадарьинской области.**
Стартовая стоимость заказчика составляет 287.384.150 сумов.
Срок окончания работ, установленный заказчиком, — 6 месяцев.

Лот №1-3. **Ремонтно-восстановительные работы системы межхозяйственного коллектора «Сарисув» Яккабагского района Кашкадарьинской области.**
Стартовая стоимость заказчика составляет 535.668.061 сумов.
Срок окончания работ, установленный заказчиком, — 7 месяцев.

Лот №1-4. **Ремонтно-восстановительные работы системы межхозяйственного коллектора «Корабогсой-1» Камашинского района Кашкадарьинской области (2-й этап).**
Стартовая стоимость заказчика составляет 601.424.423 сумов.
Срок окончания работ, установленный заказчиком, — 6 месяцев.

Лот №1-5. **Ремонтно-восстановительные работы системы межхозяйственного коллектора «Д-8» Каршинского района Кашкадарьинской области.**
Стартовая стоимость заказчика составляет 561.957.521 сумов.
Срок окончания работ, установленный заказчиком, — 8 месяцев.

Финансирование осуществляется за счет Фонда по орошению и улучшению мелиоративных земель при Министерстве финансов Республики Узбекистан.

Заказчик: ***Гидрогеолого-мелиоративная экспедиция при Аму-Кашкадарьинском бассейне управления ирригационных систем.***
Адрес: ***г.Карши, пос.Гидроузел.*** **Тел:** ***780-85-24, 780-85-25.***
Размер квот для субъектов малого бизнеса по ремонтно-восстановительным работам составляет 35%.

Предприятия и организации, выступавшие в качестве претендентов, должны соответствовать следующим требованиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производительные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ, обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов — Кашкадарьинский областной территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразования в строительстве, по адресу: ***г.Карши, Ханабадское шоссе, дом 46а.***
Тел/факс: (8-375) 224-05-24, 224-09-06, 224-18-33.
Стоимость одного комплекта документов — 120 000 сумов.

Оферты принимаются организатором торгов по вышеуказанному адресу.

Срок реализации конкурсной документации составляет 13 дней со дня публикации объявления.

Крайний срок предоставления оферт организатору торгов — ко дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится не менее чем через 15 дней после опубликования объявления в здании заказчика по адресу: ***г.Карши, пос.Гидроузел.***

МЕН УЧУН ТЕНГИ ЙЎҚ ОЛАМСАН

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Халқ шоири

АЁЛ МАДҲИ

Дунёга келтирдинг — онамсан,
Мен учун тенги йўқ оламсан.
Ёритдинг ҳамиша йўлимни,
Севикли қизимсан — боламсан.
Бормикан сендайин иболи,
Ўзбекнинг фаришта аёли.

Темурбек ёнида Бибихон,
Пойингга сочилди каҳкашон.
Гоҳида анордек эзилдинг,
Увайсий қалбидай бағринг қон.
Ҳуснингдир гоҳ умринг заволи,
Ўзбекнинг фаришта аёли.

Момосан, Атода ҳаққинг бор,
Бу гўзал дунёда ҳаққинг бор.
Юртим деб жангга ҳам кирган сен,
Ёд этса, дуода ҳаққинг бор.
От сурдинг Тўмарис мисоли,
Ўзбекнинг фаришта аёли.

Сен озод замонга етишдинг,
Ҳур, обод давронга етишдинг.
Фарзандлар юлдуздек парвона,
Минг йиллик армонга етишдинг.
Ўзингсан Ватаннинг жамоли,
Ўзбекнинг фаришта аёли.

18.01. 2013 йил.

ТУРНАЛАР

Баҳор келганида яшнаб Қўнғиртов
Пода ўтлар эди этакларида.
Уфққа чўзилган ям-яшил яйлов
Учрамас жаннатнинг эртакларида.

Билмадим, Ҳиндистон
томонлардан ё
Намоён бўларди кўкда бир чизиқ.
«Қуре, қуре» деган олис бир садо,
Бир овоз келарди узиқ ва чўзиқ.

Улар турналардир, пастлаб ногаҳон
Қир узра учарди сассиз, айланиб.
Гўё ўрганарди борлиқни обдон,
Қўнмоққа жой излар гўё шайланиб.

Пода ўтлаб юрар сокин, беозор,
Осмон ҳам беғубор, яйлов сариштa.
Турналар қўнарди, мисли фусункор
Ҳарир кўйлак кийган
зийрак фаришта.

Еру осмонларнинг шавқини туйиб,
Жонзотлар кезарди ҳур ва
мулойим.
Шундоқ манзарани яратиб қўйиб,
Томоша қиларди ўзи, Худойим.

25. 12. 2012 йил.

БОБУРШОҲ

Темурбек наслидан чиққан
Ажиб сиймодир Бобуршоҳ,
Навоийдек шеъриятда
Ўзи дунёдир Бобуршоҳ.

Ғалат ҳолким, қалам бирла
Танилди соҳиби шамшир,
Бунингдек зўр саодатда
Ҳануз танҳодир Бобуршоҳ.

Не юртлар нусратига тан бериб
Шайдо ҳам бўлмишлар,
Туғилган юртига лекин
Абад шайдодир Бобуршоҳ.

Бу зотнинг тоза қони
Қайда томса, бир чечак унди,
Ҳумоюн, Гулбаданбегим
Боқинг, пайдодир Бобуршоҳ.

Жаҳон аҳлини лол этмиш
Мислсиз «Воқеъот» бирлан,
Асрлар қаъридан кечган
Улуғ дарёдир Бобуршоҳ.

Буюк Ҳинд юртида қолмиш
Маломат ичра сабр айлаб,
Мусофир кўп бу дунёда,
Ва лек яктодир Бобуршоҳ.

Қилиб кўп яхшиликлар
Яхшиликни кўрмаса ҳамки,
Дер Абдулло, Ватан ичра
Бобур Мирзодир Бобуршоҳ.

20. 01. 2013 йил.

ҒУНЧА

Муҳаббат роҳига кирдим,
Бу йўлдан қайта билмасман,
Муҳаббатсиз халойиққа
Боқиб парво ҳам қилмасман.
Лекин сен ғунчадекдурсан,
Очилгайсан атир пуркаб,
Шу боис қўрқадирман,
Сенга сиррим айта билмасман.

21. 01. 2013 йил.

АЁ БАНДА

Унутмишсан, мақоминг —
Етти қат осмон, аё банда,
Кабирдирсан ва номинг
Ҳазрати Инсон, аё банда.

Худойим жон ато этмиш,
Шукрким, сийламиш ортиқ
Сенга ақлу тафаккурни
Қилиб эҳсон, аё банда.

Илоҳий туҳфалар бул кун
Кўринмас, қайга даф бўлди,
Ҳаё йўқдир, ибо йўқ,
Қайдадир виждон, аё банда.

Кечувда баччасин тишлаб,
Ўтурлар ваҳши(й) шерлар ҳам,
Сен эрсанг гоҳ бешик узра
тўкурсан қон, аё банда.

Мен оддий кимсаман, лекин
Боқиб ҳолингга йиғларман,
Қул ўлдинг нафсинга буткул
Қолиб иймон, аё банда.

Жаҳаннамни қўлинг бирла
Яратдинг сен, таассуфким,
Замин фирдавсини йиқдинг,
Этиб пайҳон, аё банда.

Алам чекма, лек Абдулло
Асл сарбонларинг бордир,
Эгам бордир, Эгам бор
Тўзгимас карвон, аё банда.

03. 12. 2012 йил.

ТАРАҚҚИЁТ

Ҳали баҳор календарда кўрсатмаган юз,
Ҳали пўстин ичида ҳам жунжикар одам.
Ҳали момиқ қор остида уҳлар дала-туз,
Бирдан Сурхон томонларда
гул очар бодом.

Балки кимдир ҳовлисида
шу зум, шу соат,
Мойлаб ётар эски, шалоқ аравасини.
Худди шу он қайлардадир битта азамат
Кашф айлайди мотоцикл кажавасини.

Қай бир ҳофиз ҳавас қўзғаб ошналарида
Сайраб ётар базмларда сўлаги оқиб.
Кимдир эса Италия саҳналарида
Қўшиқ айтар милёнларнинг
юрагин ёқиб.

Қайда эса йўқсилгина битта ҳаваскор
Шеър ёзади, мақтовларни
ўйламас гарчанд.
Лекин шу дам бошқа биров
қатор ва қатор
Китоблари рўйхатини санаш билан банд.

Йўқолмагай, бадар кетмас
кашфу ихтиро,
Униб-ўсгай балки Худо назар солганлар.
Тараққиёт йўли шундай,
пайт келса, аммо
Улар бизнинг шогирдимиз,
дейди қолганлар.

21. 01. 2013 йил.

САНЪАТКОР

Машҳур актёр Зикир Муҳаммаджонов хотирасига

Бир инсон эди у хоксор, муҳтарам,
Мен шуҳрат пойида, у-чи аршида.
Кездик юртимизни қадамба-қадам,
Гоҳ Тошкент, гоҳ Нукус,
гоҳо Қаршида.

Санъаткор зот эди, актёр эди у,
Юзлаб қиёфага кирган бир ўзи.
Осонми кечалар ҳатто беуйқу
Лафзингдан янграса саҳнанинг сўзи.

Тонгдан яёв кезиб қайтса даврага,
Улуғбек Мирзо деб қадрлардик гоҳ.
Ҳеч қандай такаллуф тушмас орага,
Боқсак сўзлаб турар Бойқаро ногоҳ.

Берсин актёрларнинг жонига тўзим,
Ўзлари содда-ю, роллари жумбоқ.
Ўзгартиб юборар ҳаттоки кўзин,
Ҳа, санъат боқийдир, санъат умрзоқ.

Кўнгил узмади ҳеч шеърдан, баётдан,
Теран туйғуларга тўлиб ўтди у.
Саҳна ўзга дунё, лекин ҳаётдан
Зикир Муҳаммаджон бўлиб ўтди у.

04. 12. 2012 йил.

Спорт хабарлари

ФУТБОЛ. ***Бирлашган Араб Амирликларида 14 ёшгача бўлган қизлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда «Севинч» жамоасининг ёш аъзолари кумуш медални қўлга киритди.***

Футболчи қизларимиз мусобақада маҳаллий «Систл тайм» клубини 11:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, Россиянинг «Чертанова» жамоаси билан дуранг ўйнади — 3:3.

КИКБОКСИНГ. ***Уфа шаҳрида ўтган халқаро турнирда Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзолари еттита медални қўлга киритди.***

Ўндан зиёд давлат спортчилари иштирокида ўтказилган мусобақада Суннат Неъматов, Рўзимурод Тўрақулов ва Азиз Ҳакимов шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Ўз вазн тоифасида Расул Яхшибоев ва Умар Алибеков кумуш медални қўлга киритган бўлса, Илҳом Ибодов ва Нодир Эрназаров бронза медаль билан тақдирланди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбири.

ДЗЮДО. ***Жорий йилнинг 25-28 январь кунлари Тошкентда дзюдо бўйича Осиё ҳамда Океания давлатлари ҳакам ҳамда етакчи мутахассислари учун халқаро семинар ўтказилади. Унда 2013 йилдан дзюдо кураши қоидаларига киритилган ўзгаришлар ҳақида маълумотлар берилади.***

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ахборот маркази хабарига кўра, Осиё ҳамда Океаниянинг 20 дан ортиқ давлатларидан ташриф буюрадиган мутахассисларга (ҳар бир давлатдан биттадан ҳакам ва терма жамоа бош мураббийси иштирок этади) янги қоидалар хусусида Халқаро дзюдо федерацияси рефералари Жан Снайдерс (Голандия), Дениэл Ласкау (Германия) ва Армен Богдасаров (Ўзбекистон) назарий ва амалий курслар орқали маълумот берадилар.

Энди қоидаларга киритилган ўзгаришлар ҳақида гап кетганда шуни таъкидлаш лозимки, янги қоидаларга кўра, спортчилар мусобақадан бир кун олдин кечки пайт синовдан ўтказилади (аввал мусобақанинг биринчи куни эрталаб ўтказилган эди). Вақт чегирмаси «голден скор» ҳам олиб ташланди.

Шунингдек, эндиликда икки полвоннинг кучлари тенг келганда ғолиб спортчи ҳакамларнинг кўтарган байроқчалари орқали аниқланмайди.

«Туркистон-пресс»

ОБ-ҲАВО 26-27 – 01. 2013

Юртимиз бўйлаб (°С)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	-2 / +3
	+12 / +17
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+2 / +7
	+12 / +17
Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари	0 / +5
	+12 / +17
Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари	+3 / +8
	+14 / +19
Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари	0 / -5
	+2 / +7
Тошкент шаҳри	+3 / +5
	+14 / +16

Дунё бўйлаб (°С)	
Лондон	-1 / -2
Париж	-1 / -1
Москва	-18 / -19
Мадрид	-1 / 0
Пекин	-9 / -8
Канберра	+21 / +18
Рим	+8 / +6
Афина	+6 / +5
Токио	-2 / -1
Стокгольм	-15 / -9
Кейптаун	+14 / +15
Қоҳира	+10 / +11
Гавана	+20 / +20
Вашингтон	-7 / -6

Ўзбекистон Республикаси брокерлар уюшмаси, «Товар хомашё биржаси»да акредитациядан ўтган корхоналар жамоаси Тошкент шаҳар «GGR-SHOSH INVEST» хусусий корхонаси раҳбари Ғуломжон Синдаровга волидаи муҳтарамаси
МУНАВВАРА аянинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Баркамол авлод орзуси

ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ МАРКАЗИ

Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида таъкидланганидек, таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни узлуксиз ўрганишни ташкил қилиш, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш бугун долзарб аҳамиятга эга.

Қорақалпоғистон Республикасида ёш авлоднинг хорижий тилларни пухта ўрганиши учун барча имкониятларни яратиш, шаҳар ва қишлоқлардаги махсус ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг, фан тўгаракларининг самарали фаолият юритишини таъминлаш ишлари изчил олиб борилмоқда.

Нукус шаҳридаги «Progress» таълим ва ривожланиш маркази болалар ва ўқувчи-ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга, хусусан, инглиз тилини чуқур ўқитишга ихтисослашган. Марказ болалар боғчаси, умумтаълим мактаби, бадиий ижод (рақс, хор, вокал, тасвирий санъат) ва фан (инглиз ва рус тили) тўгаракларини, шунингдек, қатор спорт секциялари — бадиий гимнастика, футбол, волейбол, баскетбол, шашка, таэквандони ўз ичига олган. Марказдаги болалар боғчасида 5 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар тарбиялана-ди. Бу ерда таълим-тарбия ишлари болаларни мактабга тайёрлаш бўйича 2 йиллик махсус дастур асосида олиб борилади ва асосан инглиз тилига доир дастлабки билим ва кўникмалар берилади.

Марказдаги мактаб ҳам инглиз тилини чуқур ўқитишга ихтисослаштирилган бўлиб, ўқув машғулотлари икки сменада йўлга қўйилган. Инглиз тили 2-синфдан ўргатилади. Машғулотларда электрон ўқув қуролларидан, мультимедия воситаларидан кенг фойдаланилади.

Суратда: *Нукус шаҳридаги «Progress» таълим ва ривожланиш марказида.*

Хушхабар

НАФИСА МЎМИНОВА – ХАЛҚАРО ГРОССМЕЙСТЕР

Мамлакатимиз миқёсидаги кўплаб мусобақаларда ғолиб ва совриндор бўлган Н.Мўминова 2007 йилда минтақавий саралаш мусобақасида биринчи ўринни эгаллаб, жаҳон чемпионатига йўлланма олди. У дунёнинг энг кучли 64 шахматчиси дона сурадиган ушбу турнирда қатнашиш учун Марказий Осиё минтақасига ажратилган ягона йўлланмани қўлга киритди ва ўзбек хотин-қизларидан катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатида иштирок этган биринчи спортчи бўлди.

— Катта спортга қадам қўйган кўпчилик йигит-қиз жаҳон чемпиони бўлишни орзу қилади, — дейди Н.Мўминова. — Жаҳон чемпиони бўлиш — менинг ҳам олий мақсадим. Албатта, жаҳон шахмат тожини қўлга киритиш осон иш эмас, лекин давлатимиз яратиб бераётган шароит ва имкониятлар бизга катта умид ва ўз кучимизга ишонч бағишламоқда.

Олти йилдан буён мамлакатимиз терма жамоаси сафида халқаро мусобақаларда иштирок этиб келаётган Нафиса 2008 йилда 18 ёшгача қизлар ўртасида Осиё чемпионати кумуш медалига сазовор бўлган. Кўплаб йирик халқаро турнирларда хотин-қизлар ўртасида биринчи ўринни эгаллаган.

У 2010 йилда йигирма ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида кучли тўртликдан жой олди, Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ўтган ёзги Осиё ўйинларининг жамоавий беллашувларида терма жамоамиздаги дугоналари — Ольга Собирова, Юлдуз Ҳамроқулова, Нодира Нодиржонова билан бирга кумуш медални қўлга киритди. 2011 йили I Марказий Осиё кубоги ва 2012 йил Тошкентда ўтказилган «Тошкент опен» халқаро шахмат турнирида ғолиб бўлди.

Н.Мўминова учун 2013 йил ҳам омадли бошланди. Халқаро шахмат федерацияси ўзбек қизига халқаро гроссмейстер унвони берилганини эълон қилди.

— Ушбу юксак унвон биз, ёшларнинг камолоти йўлида барча шароитларни яратиб бераётган Президентимиз кўрсатаётган юксак ғамхўрликнинг амалдаги самараларидандир, — дейди Нафиса. — Биз, ўзбек ёшлари ҳар қандай соҳада энг юқори чўққиларни забт этишга қодирмиз. Бунинг учун имконият, шароит ва катта иштиёқ бор.

Нафисанинг сингиллари — Ҳулкар ва Гулруҳбегим Тоҳиржоновалар ҳам опаси изидан бориб, шахматни танлаган. ФИДЕ устаси Ҳ.Тоҳиржонова қатор халқаро турнирлар ғолиби ва совриндори бўлса, Гулруҳбегим 2011 йилда Бразилияда ўтган 18 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида учинчи ўринни эгаллаган.

Ўзбекистон терма жамоаси етакчиси Нафиса Мўминова энди мусобақаларда халқаро гроссмейстер, деган юксак ном билан дона суради. Бунинг масъулиятини чуқур ҳис этаётган шахматчимиз янги мавсумга пухта тайёргарлик кўрмоқда.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari), Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 146
19605 nusxada bosildi.
Nashr ko'rstkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 22.45
Topshirilgan vaqti — 01.15

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Bardambek SA'DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5